

“Гумми-20”да 7,2-13,9 донага ортганлиги кузатилди.

Янги стимуляторлар билан чигитга ишлов берилганда ҳамда ғўзанинг ўсув даврида сепилганда чигитнинг унувчанлиги ортиб, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши яхшиланган(2-жадвал).

“Альбит” стимуляторларини чигитга экиш олдида 50;75;100 мл/т ва “Гумми-20” стимулятори 0,5-1,0 л/т ва шоналашгуллаш даврлари “Альбит- 40”

мл/га, “Гумми-20” 0,5;1,0;1,5 л/га меъёрларда ишлов берилганда ҳосилдорлик “Альбит”да 0,8-4,2 ц/га, “Гумми- 20” да 1,1-4,7 ц/га ошганлиги кузатилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, Наманган вилоятининг қир- адирларидаги унумдорлиги паст оч тусли бўз тошлоқ тупроқларида “Альбит” ва “Гумми-20” стимуляторлари билан чигитга ва ўсув даврида ишлов берилганда ғўзанинг униб чиқиши 3-4 кунга

тезлашиб, соғлом кўчатлар ундириб олинган, ғўза турли макро ва микроэлементларни тупроқдан осон ўзлаштириб, касаллик ва зараркунандаларга бардошлиги ортиши натижасида ўсиши ва ривожланиши жадаллашиб, пахта ҳосили 0,8-4,7 ц/га юқори бўлгани ҳолда ҳосилдорлик 2,7-11,6 % ўсишига эришилган.

**Ш.Х.Абдуалимов,
Ф.Р.Шамситдинов, ПСУЕАИТИ.**

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуалимов Ш.Х., Раҳманқулов С. Ўсимликларнинг сувсизликка чидамлигини оширишда физиологик фаол моддаларнинг ўрни. “Agro ilm”- Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали илмий иловаси. Тошкент, 2010.-№1 (13).-Б.3-4.

2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. 5-ое изд. доп. и перераб. Москва. Агропромиздат, 1985, 248-256 с.

3. Полевой В.В. Регуляторы роста растений и нуклеиновой обмен. Москва. Наука, 1965, 3 с.

4. Ничипорович А.А. Фотосинтез и теория получения высоких урожаев. Издательство АН СССР. Москва, 1956. 94с.

5. Каримов Ш. Ёўзада янги стимуляторлар қўлланилганда чигитни униб чиқиши, фотосинтез маҳсулдорлиги ва пахта ҳосилдорлигига таъсири // “Агро илм”.- Тошкент, 2017. №5 (49).-Б.24-25.

УДК: 633.51+632.951+631.542.25

Дефоляциянинг ҳосияти

ЁЎЗА ҚОРАШИРАСИГА ҚАРШИ ДЕФОЛИАНТЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация: Основная цель проведения дефолиации хлопчатника состоит в том, чтобы провести сбор урожая хлопка-сырца не оставляя в дождливые дни. После проведения дефолиации не только обеспечивается оподения листьев, но и ускоряется раскрытие коробочек на 10-15 дней, где урожай первого сбора повышается на 15-20 %, при совместном опрыскивании дефолианта с инсектицидом (моспилан, ачив и несор) эффективно влияет на болезни и вредители хлопчатника, особенно на полях поврежденных черной тлей.

Annotation: The basic aim which is back of holding cotton defoliation is to gather cotton earlier till the rainy weather. It is not only handy for providing the fall of leaves of cotton-plant, but also it provides maturing cotton bells earlier for about 10 to 15 days, in this way we can see a 15-20 %, grov. When we pour the mixture of defoliant (mospilan, achiv and nesor) and anti-insect, its affect can be seen greater to the cotton-plant's diseases insects especially black louse.

Ўзбекистон Республикаси дунёда пахта етиштирувчи давлатлар ичида энг шимолий минтақада жойлашган мамлакат ҳисобланади. Баҳор ойида ёғингарчилик апрел ойининг биринчи ўн кунлигича давом этса, куз фаслидаги

ёғингарчилик эрта яъни ёз ойининг охири, сентябрь ойининг бошларига тўғри келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда Республикамизнинг баъзи ҳудудларида ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши

эвазига ғўза майдонларида турли сўрувчи ҳашаротларнинг кўпайиши кузатилмоқда. Ушбу сўрувчи ҳашаротлар энтомофаунаси яъни, даладаги ҳашаротлар йиғиндиси йилнинг иқлим шароити, уларнинг ривожланиш динамикаси ҳамда ўтказилган кимёвий ва биологик кураш тадбирларининг самарадорлиги билан боғлиқ равишда ҳар хил миқдорларда бўлиб, турли зараркунанда ҳашаротлар ва уларнинг энтомофагларидан иборатдир. Шу билан бирга баъзи ҳашаротлар очилган кўсаклардаги пахта толасини елимсимон шира билан ифлосланишига сабаб бўлади. Елимсимон шира билан қопланган тола устида турли замбуруғлар ривожланади. Натижада ҳаво намлигининг ошиши ва ғўза майдонларида ҳаво айланишининг қийинлашиши оқибатида қорашира кузатилади(моғорланиш). Бунда етиштирилган

ТАЖРИБА ТИЗИМИ

№	Вариантлар	Қўллаш меъёри, л/га	Қўллаш муддати
1	Назорат	-	45-50 % кўсақлар очилганда
2	УзДЕФ-И	6.0	
3	УзДЕФ-И	7.0	
4	УзДЕФ-И	8.0	
5	Сардор –И	5.0	
6	Сардор –И	6.0	
7	Сардор –И	7.0	

пахта хомашёсининг сифати анча пасаяди, ранги бузилади, тола сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун яроқсиз бўлиб қолади, қайта ишлаш саноати жиҳоз ва ускуналарининг иш унумини кескин камайтиради.

Шунинг учун, ғўза дефолиацияси ўсимлик вегетациясининг якунловчи босқичларида пахта толасининг шираланишига сабаб бўладиган бир қатор сўрувчи зараркунандалар (оққанот, қандала, ғўза бити (*Aphidodea gossypli*) ва бошқалар) миқдорини камайтириши ва пахта толасинини сифатли териби олиш муддатларининг дефолиация самарадорлигига таъсири тажрибамизда ўрганилди.

Дефолиантларининг ғўза-қораширасига қарши биологик самарадорлиги: Маълумки, ғўза ўсимлигида турли ҳашаротлар ва микроорганизмлар ўсимлик билан озиқланиш орқали кўпаяди. Уларнинг кемирувчи зараркунандалари ўсимликнинг пояси, илдизи ва мевалари орқали озиқланса, сўрувчи зараркунандалар ғўза барглари ширасини сўриб зарар еткази. Ширалар (*Aphidinea*) ўсимликларнинг деярли 90 % ини зарарлайди.

Айни пайтда қорашира пахтачиликда катта муаммолар келтириб чиқармоқда. Ғўза кўсақларининг пишиш даврларида бит ажратган елимсимон ширалар пахта толаларини ифлослантиради. Натижада ифлосланган толалар ялтироқ бўлиб, сифати пасаяди. Бунда пахталарга моғор замбуруғлари тушиб, толанинг рангини қорайтиради, пишиқлигини камайтиради ва сифатини бузади.

Шундай қилиб тадқиқотда пахта толаси ифлосланишининг

олдини олиш мақсадида ЎзФА Умумий ва ноорганик кимё институти олимлари томонидан яратилган “УзДЕФ” ва “Сардор” дефолиантларига (моспилан, ачив ва несор) инсектидциди аралашмалари асосида тайёрланган “УзДЕФ-И”, “Сардор-И” препаратлари ўрганиб чиқилди. Дефолиантларнинг ғўза битларига қарши биологик самарадорлиги “Аббот” формуласи бўйича ҳисоблаб чиқарилди.

Тажриба 7 вариантдан иборат бўлиб, 3 қайтариқда такрорланади ва улар 1 та муҳитга жойлаштирилди. Дефолиантларни қўллаш кўсақлар очилишига қараб бир хил муддатда белгиланган. Тажриба вариантларининг қатор ораси 90 см, ҳар бир вариант майдони 36 м² ни, ҳисоб майдони эса 18 м² ни ташкил этди.

Ўсимликнинг дефолиациядан олдинги биологик ҳолати: Тадқиқотда дефолиация қилишдан олдин махсус фенологик кузатувлар натижасига кўра, ғўза бошпоясининг баландлиги ўртача 86,6-92,6 см ни, яшил барглари сони 33,1-37,3 донани, умумий кўсақлар сони 10,7-12,6 донани, шу жумладан очилгани 42,7-48,1 % ни, ярим очилгани эса 1,2-3,2% ни ташкил қилди.

Тажриба натижаларга кўра, “УзДЕФ-И” дефолиантини 6,0 л/га меъёрда қўлланилганда ўсимликка препарат самарали таъсир этиб, дефолиация сепилгандан кейин 14-кунга келиб натижа 99,1 % ни ташкил этди. “УзДЕФ-И” дефолианти 7,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда, препаратнинг биологик самарадорлиги 99,5 % ни ташкил этган бўлса, УзДЕФ-И 8,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда бу кўрсаткич мос равишда 97,8 % бўлди.



“Сардор-И” дефолианти 5,0-6,0-7,0 л/га меъёрларда қўлланилган вариантларда дефолиациядан 14 кундан кейин препаратнинг биологик самарадорлиги дефолиант меъёрларига тегишли равишда 99,1-97,9-99,5% ни ташкил этганлиги маълум бўлди. Хулоса қилиб айтганда ўрганилаётган инсектецидли дефолиантлар ғўза кўсақлари пишиш даврида пайдо бўладиган толани елимловчи зараркунанда, яъни қораширани бартараф этишда ва етиштирилган ҳосилни тез ва сифатли қилиб териби олишда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Тадқиқот натижаларига қараганда, дефолиациядан кейин 14-кунга келиб, назорат вариантыда барглари табиий тўкилиши 15,6 % ни ташкил этган бўлса, “УзДЕФ-И” дефолианти қўлланилган 6,0; 7,0 ва 8,0 л/га меъёрларида 14-кунга келиб барглари табиий тўкилиши тегишли равишда 77,9; 88,8; ва 86,5 % ни ташкил этиб, қуриган барглари сони мос равишда 16,3; 8,3 ва 12,8 % ни, ярим қуриганлари эса 5,8; 2,9 ва 0,7 % ни ташкил қилди. “Сардор-И” дефолиантини 5,0; 6,0; ва 7,0 л/га меъёрларда қўлланилган вариантда барглари табиий тўкилиши 14-кунга келиб 82,9; 86,0 ва 87,8% ни ташкил этган бўлса, қуриган барглари сони мос равишда 14,5; 6,7 ва 5,8 % ни, ярим қуригани 2,6; 7,3 ва 6,4 % ни ташкил этиб, дефолиантларнинг таъсир этиши барча вариантларда 100% самарадорликни кўрсатди.

Тажриба натижаларига қараганда, дефолиациядан 14 кун ўтгандан кейин назорат яъни, дефолиация ўтказилмаган вариантда кўсақларнинг очилиши 64,3 % га тенг бўлган бўлса, “УзДЕФ-И” дефолиантини 6,0-7,0-8,0 л/га

“УзДЕФ-И” ва “Сардор-И” дефолиантларининг биологик самарадорлиги

Т/р	Вариантлар	Қўллаш меъёри, л/га	Битта ўсимликдаги ширалар сони, донада				Биологик самарадорлиги		
			Сепишдан олдин	3-куни	7-куни	14-куни	3-куни	7-куни	14-куни
1	Назорат	-	15.8	17.2	18.7	20.6	-	-	-
2	УзДЕФ-И	6,0 л/га	19.4	1.4	0.7	0.2	92.8	96.4	99.1
3	УзДЕФ-И	7,0 л/га	19.1	1.2	0.5	0.1	93.6	97.2	99.5
4	УзДЕФ-И	8,0 л/га	18.8	1.1	0.3	0.3	94.1	97.7	97.8
5	Сардор –И	5,0 л/га	18.9	1.4	0.4	0.2	91.8	97.3	99.1
6	Сардор –И	6,0 л/га	19.7	1.6	0.6	0.3	90.8	95.6	97.9
7	Сардор –И	7,0 л/га	19.5	1.2	0.5	0.1	92.9	95.3	99.5



меъёрларда қўлланилган вариантларда кўсақларнинг очилиши 87,3-88,8-86,3% ни ташкил қилиб, дефолиация қилинмаган назорат вариантга нисбатан очилиш тезлиги 39,8-42,1-42,7 % ни ташкил қилди. “Сардор-И” дефолианти 5,0-6,0-7,0 л/га меъёрларда қўлланилган вариантларда

кўсақларнинг очилиши 85,1-90,1-90,5 % ни ташкил қилиб, дефолиация қилинмаган назорат вариантга нисбатан очилиш 41,9-47,4-45,1 % га тезлашганлиги кузатилди. Шуниташкидлаб ўтишимиз керакки, дефолиантларнинг меъёри ошган сари кўсақларнинг очилиш тезлиги ҳам ортиб бориши кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда, барглари тўкилиши, кўсақлар очилишида “УзДЕФ-И” ва “Сардор-И” дефолиантларнинг 7,0 л/га меъёрда қўллаш энг самарали тадбир эканлиги аниқланди

**Ш.Баҳрамов, А.Ўлжабоев,
ПСУЕАИТИ.**